

## **ФИДБЕК – ДАРС САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА**

**Буранова Раъно Кудратовна**

**Самарқанд вилояти педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази  
методик хизмат курсатиш бўлими методисти**  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8431653>

Ҳар бир авлод олдида инсоният яратган жамики бойликларни, билимларни ўрганиш, ўзлаштириш ва ривожлантириш вазифаси туради. Ҳаёт тараққиёти ва жамият ривожини шусиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу вазифани амалга оширишнинг бирдан-бир йўл таълим тизимини такомиллаштириб бориш орқали ёш авлодни илм-фан асослари билан чуқур қуроллантиришдир[1,4].

Бугунги кундаги замонавий дарс – бу айнан ўқувчиларнинг билиш даражаси ривожланиб, уларни атрофдаги ҳақиқатни фаол равишда идрок этишга, сабаб-таъсир муносабатларини тушунишга ва топишга, мантиқ, фикрлаш ва мулоқот қобилиятларини ривожлантиришга ундайдиган дарслардир[2,2].

Ўқитувчининг педагогик фаолиятида ўқувчилар билан олиб борадиган мулоқоти муҳим таълим-тарбиявий аҳамиятга эга. Бу педагогик мулоқотнинг бутун тизимида унинг маънавий мазмундорлигини оширишни талаб этади, зеро айнан педагогик мулоқот таълим-тарбиянинг маънавий асосларини шакллантиришга қаратилган. Ижтимоий-психологик, тарбиявий ва маънавий вазифаларнинг мурак-каблиги ўқитувчининг коммуникатив фаолиятига юксак талабларни қўяди. Ўқитувчи касбий фаолиятида юксак педагогик ва психологик натижаларга эришиши учун куп йиллик назарий ва амалий тажрибалар асосида тадқиқотчи олимлар томонидан таклиф этилган мулоқотнинг айрим йўналишларидан фойдаланиш тавсия этилган.

Дарс жараёнида ўқитувчилар билан бўлажак мулоқотни моделлаштириш жуда муҳимдир, зеро бу жараён дарснинг дидактик тамойилларини ҳар томонлама белгилаб беради, ўқитувчини ижодий фаолиятга йўналтиради, унда ўқувчилар билан ўзаро ҳамкорликнинг мукамал шаклларига нисбатан турли мулоқот моделларини такомиллаштириш имконияти пайдо бўлади. Мулоқотни моделлаштириш бевосита янги дарс олдидан тезда бажарилиши мумкин, баъзан эса доимий характер касб этади. У ўқитувчига ўзининг дарс жараёнидаги коммуникатив муносабати ва эмоционал хулқи, хис-туйғуларини олдиндан кўра билиш имкониятини яратади.

Педагогик мулоқот тузилиши жиҳатидан ўқитувчи ижодкорлигининг ноёб намунаси ҳисобланади. Педагог олимлар ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқотига кўплаб тавсифларни илмий асарларида баён этсалар-да, мулоқот аввало, ўқитувчининг шахсий психологик хусусияти сифатида намоён бўлади.

Замонавий дарсларда юқоридаги натижаларга эришиш учун дарс жараёнида фидбекни қўллаш қутилган натижаларга эришишга ёрдам беради.

"Фидбек" сўзи "феедбаск" (инглиз тилидан) сўзининг транслитератсияси бўлиб, ўзбек тилида "тескари алоқа", "қайта билдириш", "қайта фикр" ёки "жавоб" деган маънони ифодалайди. Фидбек тушунчаси, асосан, бир кишининг ёки ташкилотнинг бошқа инсонлар ёки ташкилотлар билан ўз фаолиятларининг натижаларини баҳолаш учун ўз фикрларини, изоҳларини, тавсифларини ва таклифларини батафсил ифодалаш тушунчасини англатади.

Фидбекнинг бошқа бир шакли, шунингдек, бир шахс ёки ташкилот томонидан ўз фаолиятларининг яхши ёки ёмон томонларини тушуниш ва ўзгаришларни амалга ошириш мақсадида берилган ёндашув, фикр, ёки сўзлар ҳисобланиши мумкин. Фидбек тушунчаси бизнинг фаолиятимизни, маҳсулотларимизни, хизматларимизни, тизимларимизни ёки бошқа амалларимизни таҳлил қилиш ва такомиллаштириш учун муҳимдир. Ўзаро мулоқотда, ўз фикрларимизни, тавсифларимизни ва таклифларимизни бошқаларга етказиш орқали, биз ўз фаолиятимизни яхшилашимиз мумкин.

Дарсларда фидбекдан фойдаланиш ўқувчилар ва ўқитувчилар учун таълим жараёнини ўзлаштириш учун жуда муҳимдир. Фидбек, ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари ва ўқиш жараёнини яхши тушунишлари учун кераклидир. Фидбекдан қуйидагича фойдаланиш мумкин:

Мунтазам фидбек бериш: Ўқитувчилар ўқувчиларга мунтазам тарзда фидбек беришлари лозим. Бу ўқувчиларнинг ҳар бир дарсда нима ўрганаётганини тушуниши ва қандай яхши ёки ёмон натижаларга эга бўлганлигини билишлари учун ёрдам беради.

Ўқувчилардан фидбек олиш: Ўқитувчилар ўқувчилардан ҳам фидбек олишлари керак. Ўқувчилардан дарснинг қандай ўтганлиги ва нима ўрганмоқчи каби фикрларини эшитиш жуда муҳим.

Фидбекнинг уйғунлигини сақлаш: Фидбек ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида осон ечиладиган, ишончли муҳитда бўлиши керак. Ўқувчилар ўзларини эркин ҳис қилишлари ва ўқиш жараёнининг такомилларини оширишлари учун фидбекни ишонч билан хохласинлар.

Муносабатларни қўллаш: Ўқувчилар ва ўқитувчилар ўзаро муносабатда бўлишлари учун саволларни сўраш билан бирга қўшимча ёрдам бера олиш учун (қўшимча ёрдам)ўзаро фикрлашлари керак.

Таҳлил ва ўзгартириш: Фидбекни ўқиб чиққандан сўнг, ўқитувчилар ўқиш жараёнини таҳлил қилишлари ва ундаги муаммоларни ечиш учун ўзгартиришлар киритишлари керак.

Ўқувчиларнинг ўзлаштириш чўққиси: Ўқитувчилар ўқувчиларнинг ўзлаштиришига мувофиқ маслаҳатлар ва қўшимча маълумотлар бериши ўқувчиларининг мақсадларини амалга ошишида йўналтиришга ёрдам беради.

Тескари алоқа ўқитувчи томонидан ўз вақтида тақдим этилиши: ўқувчиларнинг дарсда жавоб бериши ёки билимнинг бошқа намоёнидан сўнг дарҳол фикр билдирилса, ўқувчи ижобий жавоб беради ва ўрганганларини ишонч билан эслайди. Агар фикр-мулоҳаза билдириш учун жуда узоқ кутсак, вақт йўқолади ва ўқувчи фикр-мулоҳазаларни ҳаракатга боғлай олмаслиги мумкин.

Ўқувчи билан индивидуал ишлаш: Ўқувчи билан индивидуал учрашув фидбекнинг энг самарали усуллари билан биридир. Ўқувчи эътиборни кутади ва унга керакли саволларни бериш имконияти берилади. Яккама-якка учрашув одатда кўтаринки бўлиши керак, чунки бу ўқувчини кейинги учрашувни интиқлик билан кутишга ундайди.

Ҳаракатини пайқашга ҳаракат қилиш: Ўқувчининг топшириқни бажаришдаги хатти-ҳаракати ёки ҳаракатини пайқашга ҳаракат қилиш ўқитувчининг ижобий фазилатидир. Масалан; ўқувчига "Рақамларни тўғри жойлаштирганингизни, муаммони

тўғри ҳал қилганингизни пайқадим." – Бу ҳафта дарсга ўз вақтида келганингизни пайқадим каби фидбеклар ўқувчининг тан олинганлигини ва унинг саъй-ҳаракатлари ўқув фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиши учун муҳимдир.

Хулоса ўрнида айтиш керакки фидбек, таълим жараёнини яхши тушунишда, ўзлаштириш ва такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Фидбекни замонавий дарсларда қўллаш, ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни такомиллаштириш учун жуда муҳимдир. Фидбекни замонавий дарсда қўллашнинг энг муҳим қисмларидан яна бири ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги фаолиятларни баҳолашда асқотади.

### References:

1. А.Ғуломов, М.Қодиров, М.Ерназарова, А.Бобомуродова, Н.Алавутдинова, В.Каримжонова Она тили ўқитиш методикаси. – Тошкент- 2012. – Б 6.
2. Ф.Авазова.Замонавий дарс ва унга қўйиладиган талаблар. Тошкент-2023.
3. Лаура Рейнольдс. 20 Способов дать эффективную обратную связь для обучения. Первое индексирование сайта бленддлеарнинг.про роботом Гоогле: февраль 2016 г.